

Ўз ақл-заковатингиз,
билим ва
тафаккурингиз,
куч-ғайратингизга,
төдек таянчингиз —
бу юк Ватанимизга
суюниб, маррани
катта олинг, азиз
фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ



ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqsa boshlagan 2010-yil 26-may, chorshanba № 41 (8274) ISSN 2010-6416

КЕЛАЖАККА ЧОРЛАБ, ЯНГРА, ҚҮНФИРОҚ!

*Qutlug 'ostona*

...Ҳар йилнинг 25 май тонгида мактабларда шундай ҳолат, шундай рух ҳукм суради. Кўнгил даги орзулар қанчалик чексиз бўлишига қарамай, қадрдан даргоҳни тарқ этиш шунчалар мушкул. Бу шундайин ҳолатки, бир-бiri билан узоқ йиллар бақамти таълим-тарбия олган ўқувчи ва ўқитувчilar нигоҳида ҳаммаси намоён: миннатдорлик, рағбат, қўллаб-кувватлаш, ишонч, далда...

Куни кечада бўлиб ўтган мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида «Сўнгги кўнғироқ» тадбирларида худди шундай ҳолат кузатилди. Маълумот ўрнида қайд қилиш ўринлики, умумтаълим мактабларида 2009-2010 ўкув йилида жами 4 895,6 минг нафар ўқувчи замонавий талаблар даражасида таълим-тарбия олди. Шулардан 598,1 минг нафари 9-синф битирувчilar бўлиб, уларнинг барчасини таълимнинг кейинги босқичи — академик лицей ва касб-хунар колледжлари кутмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

АНДИЖОН

Вилоятдаги мавжуд умумтаълим мактабларини бу йил 61 минг 275 нафар битирувчи ўигит-қиз тугалламоқда. Пахтаобод туманидаги 28-умумтаълим мактабида бу тадбир ноањанавий тарзда — Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, 40 йилдан зиёд ушбу мактабда муаллимлик қилган Болтабой Мирзажононинг энг аълочи битирувчilarни ўз жамғармаси ҳисобидан мукофотлаши билан бошланди.

ЖИЗЗАХ

Зомин туманидаги Богишамол қишлоғида жойлашган 31-мактабга қўлида гулдаста билан ошиқаётган ўкувчи-ёшларнинг кўзларида ҳайрат, юзларида ҳаяжон. Боиси, ўкув йилининг тугалланишига багишланган тадбир илк бора янги мактабда нишонланмоқда.

САМАРКАНД

Сўнгги кўнғироқ — бир синфда ўқиб, бир-бирига меҳр қўйган синфдошларнинг айрилик онлари, меҳрибон устозлари бағридан учирма бўлиш лаҳзалари, орзулар ортидан эргашиб касб-хунар колледжлари ва академик лицейларда ўқиши давом эттиришга тайёргарлик кўриш дамлари, қисқаси, қувонч ва шодликларга тўлиқ кун. Хотиралар ўтган воқеаларни эсга солади. Биринчи синфга қабул қилинган болажонларнинг кўлига қалам тутқазган меҳрибон устозлар ўргатган бебаҳо сабоқлар битирувчilar кўз ўнгida бир-бир гавдаланади.

СУРҲОНДАРЁ


Вилоятдаги 850та умумтаълим мактабини 50250 нафар ўқувчи битирмоқда. Термиз шаҳридаги 2-мактабда тўплланганларни иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, фахрий ўқитувчи, 94 ёшли Сохибжон Рўзиев табриклиди. Билим даргоҳини бундан 60 йил илгари битирган собиқ ўқувчilar болалик дамлари, устозлари ҳақида ибратли воқеаларни гапириб беришди.

ХОРАЗМ

...Давлат мадҳияси янграб, Ўзбекистон байроғи кўтарилиди. Кўнгиллар буюклик нашидасидан энтиқди. Ўқувчilar ва ўқитувчilar, ота-оналарнинг Ватанга эҳтиром ва хурматлари чексиз... Мадҳиянинг улуғорлигидан юрак ҳаприқиб кетгандек бўлди.

Урганч шаҳридаги 5-мактабдаги байрам тадбирида сўзга чиққанлар хуш дийдорлашув баҳонасида йигилганларни табриклаб, битирувчilarга оқ йўл тиладилар.

(Давоми 3-бетда.)





ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЎЗАРО БЕЛЛАШИШАДИ

бугун Тошкент давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейиде умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси бошланади

Фан олимпиадалари юқори билимли, иқтидорли ва истеъоддли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда уларни кўллаб-кувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган муҳим тадбирлардан бири. Шу сабабли уларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлик барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги йўта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигининг кўшма буйруғи асосида ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Чунончи, ташкилий ишлар кўнгилдагидек бажарилди. Аудитория раҳбарлари ва назоратчилар, аппеляция комиссияси, ҳакамлар ҳайъати аъзолари рўйхати ташкилий кўмита томонидан тасдиқланди.

Муҳими, "Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиши ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида Низом"да белгиланган умумтаълим фанлари бўйича ёзма, амалий топшириклари ҳамда маҳсус мактаб-интернатлар ўқувчилари орасида (Брайль усулидаги ёзув асосида) фан олимпиадаси материалларини малакалар мутахассислар, олимлар, методистлар ҳамда тажрибали ўқитувчиларни жалб этиб, саволларнинг сифати, кўп вариантилиги ва маҳфилигига алоҳида эътибор берган ҳолда тайёрлаш поёнига етказилди.

Кече белгиланган режага кўра олимпиада иштирокчилари кутиб олиниб, туар жойлари билан таъминланди. Уларнинг овқатланиши, тибий ҳамда транспорт хизматидан фойдаланиши билан боғлик ташкилий масалалар ҳам қатъй тартиб асосида ташкил қилинди.

— Абдулла Авлоний номидаги XTXKTМОМИ меҳмонхонасига жойлашдик, — дейди олимпиада иштирокчи, Хатирчи туманидаги 40-мактабнинг битирувчи Дилмурод Ойдинов. — Биринчи галда институт ҳовлисидаги саранжом-саришталик диққат-эътиборимизни тортди, дараҳтларга шакл берилган, гуллар очилиб ётибди. Бу ерда бир неча тенгдошларим билан танишишга ҳам улгурдим. Уларнинг беллашувга пухта тайёргарлик билан келгани гап-сўзларидан билиниб туриди.

Дарвоқе, қизғин ва муросасиз кечадиган билимлар бахсида 22та фан бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида ўтказилган саралаш босқичларида умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мусасасаларининг 3-курс ўқувчилари орасида голиблик кўлга киритган 605 нафар йигит-қиз 66 имтиёзли ўрин учун ўзаро беллашади.

Барча иштирокчиларга фақат омад ёр бўлсин, деймиз!

Курбонбай МАТҚУРБОНОВ

ФАРЗАНДИНГИЗ БОҒЧАГА ОШИҚЯПТИМИ...

Демак, у ерда боланинг кўнглига йўл топа биладиган меҳрибон тарбиячилар ва кулаги шарт-шароит бор

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Зилола" мактабгача таълим-тарбия муассасасида 95 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Яқинда вилоят халқ таълими бошқармаси «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда мактабгача ёшдаги балалар ўтасида тўрт йўналиш бўйича ўтказган «Баҳорой саииллари» мусобақасида ушбу боғча жамоаси яхши кўрсаткичга эриши. Муассасанинг икки тарбияланувчиси шахмат бўйича вилоят мусобақасида қатнашиш хуқуқини кўлга киритди.

— Самарадорликни факат мусобақалар, кўрик-танловлар натижаси белгиламайди, — дейди мазкур мактабгача таълим-тарбия муассасаси раҳбари Холида Эгамова. — Боғчада боланинг ҳар томонлами камол топиши учун давлат таълим стандартларига муовফик шарт-шароитлар яратили-

ши керак. Ана шунда болада боғчага қизиқиш, интилиши ошади. Сўнгги беш йилда боғчамиз ҳомийлар ёрдамида таъмирдан чиқарилиб, қайта жиҳозлангач, болалар кўнглига ўйлоп топишимиз учун имкониятларимиз янада кенгайди.

Одатда болалар боғчага кўпроқ ўз ихтиёри билан эмас, ота-оналарининг хошишистаги ҳамда зарурат туфайли боради. Бола боғчага байрамга бораётгандек иштиёқ билан отланяптими, демак, у ерда уни қизиқтирадиган, ўзига тортадиган шароит ва мухит бор. "Зилола" мактабгача таълим-тарбия муассасасидаги олти гуруҳда маҳсус маълумотли, тажрибали тарбиячилар ишлаб-тегани муваффақиятларнинг асосий омили бўлаётди. Масалан, боғчадаги юмшоқ ўйинчоқларнинг асосий кисмини тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Хурсандой Жўрава болалар билан биргаликда ясаган.

— Бола дунёни англашида ўйинчоқларнинг ўрни катта, — дейди Хурсандой. — Болажонлардаги ижодий қобилиятини

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика мусиқа ва санъатга ихтиносослаштирилган мактаб-интернатида бўлиб ўтган «Сўнгги қўнгироқ» тадбирида вазирнинг биринчи ўринbosari Б.Дониёров иштирок этди.

Мазкур ўкув йилида таълим муасасасида 1002 нафар ўкувчи таҳсил олди. Шулардан 246 нафари бу ўкув йилида 9-синфи битирмоқда. Ўкув

йили якунига кўра, ушбу мактаб-интернат ўкувчилари бир қатор республика ва халқаро кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритиши. Жумладан, 9 нафар ўкувчи халқаро ва 31 нафари республика кўрик-танловларида фаҳрли ва совриндор ўринларни кўлга киритиши. Булар қаторида Италияниг Фермо шаҳрида ўтказилган зарбли мусиқа асбоблари йўналишидаги

7-халқаро кўрик-танловида голиб бўлган 9-синф ўкувчилари Ш.Усубжонов ва Ж.Файзуллаев, Қозоғистоннинг Астана шаҳрида ўтказилган 5-“Астана Мерей” ёш ижроилар халқаро кўрик-танловида меваффақият қозонган 9-синф ўкувчиси С.Собиров ва бошқалар таълим муассасасининг халқаро миқёсда ҳам эътироф этилишига муносиб хисса кўшган.

Ж.МУСАЕВ

Olimpiada—2010

ФОЛИБЛАР МАКТАБГА ФАХР-ИФТИХОР КЕЛТИРАДИ

Ўкувчилар кўлидаги оппоқ кабутар мусаффо осмонга шитоб билан парвозга шайланди. Бундаги рамзий маъно — битирувчи синф ўкувчиларининг парвози кабутар-никидек баланд ва тўсиқлардан холи бўлсин. Байрам тартиботига кўра, аввало Давлат мадҳияси янгради, табриклар, олқашлар, кўшик-ракслар бир-бирига уланди.

...Унинг кўлида гул, синфдоши Мадина Омонбоева ва синф раҳбари Маъмура Сайдикромова билан ёнма-ён турарди. «Хайр, мактабим!» кўшиғи янгради, юраклар энтиди, даврадагилар тебраниб, кўлларини баландга кўтардилар, бундан таъсиранг Шаҳноза Абдурасулованинг кўзлари ёшга тўлди. Бундай кезда кўзга ёш олмасдан, қалби дарё устозларнинг ҳар бирига миннатдорлик илиа бокмасдан бўларканми? Даврани айланиб, сўнгги

кўнгироқни чалаётган жажигина 1-синф ўкувчиси Асалхон Бахтиёровни кузатар экан, Шаҳноза илк бора мактабга келган дамларини кўз ўнгига келтириди.

Шайхонтохур туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактаби раҳбари Гулноза Музаффарова 221 нафар битирувчи синф ўкувчиларидан бир гурухини турли даражадаги ютуқлари билан табриклаш учун сўз олганида, кўзи бе-ихтиёр йиглаётган ўкувчи Шаҳнозага тушди. «Энг ёрқин юлдуз» номинацияси бу қизга энг катта совфа бўлди.

Шундай қилиб, тадбир сўнгиди энг билимдон, энг фоал, энг иқтидорли, энг одобли, энг кучли ва шу каби ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган ўкувчилардан бир гурухига турли номинациялар бўйича фахрий ёрликлар тақдим этилди.

Хулкар ТЎЙМАНОВА



Пойтахтимиздаги 283-мактабда “Сўнгги қўнгироқ” тадбири яқиндагина кўлларига илк бора қалам олиб, Ватан ва Она сўзларини, дўстлик ва садоқат тушунчаларини қалбига жо айлаган 1-синф ўкувчиларининг табриги билан бошланди. Улар шеър, кўшик рақс ижро этиб, ака-опаларига гуллар тақдим этдилар.

Битирувчи синф ўкувчилари эса сабоқ бериб, ҳаётни англашни ўргатган устозларниг хурмат юзасидан таъзим бажо айладилар, уларнинг игна билан кудук қазищдек машаккатли меҳнатини, берган билимларини ҳеч қачон унутмасликларини таъкидладилар.

Тадбир якунида мактабнинг ўқиши ва жамоат ишларида фаол иштирок этган битирувчи ўкувчиларига илм маскани раҳбари Озода Толипова фахрий ёрлиқ ва эсдалик совалари топшириди.

Суратда “Сўнгги қўнгироқ” тадбирларидан лавҳалар акс этган.

БОҒЧАГА ОШИҚЯПТИМИ...

2010-yil – Barkamol avlod yili

жонлар яйраб ўсаётган бундай боғчалар кўп. Чунончи, халқ таълими тизимида 181, бошқа идораларга қарашли иккита мактабгача таълимтарбия муассасаси фаолият кўрсатаётди. Уларда 25 мингдан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда. Ўтган йили 30ta боғчада бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобига таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари бажарилди. Баркамол авлод йилида мактабгача таълимтарбия муассасалари фаолиятини яхшилаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбирлари давом эттирилмоқда.

— Мактабгача таълимтарбия муассасаларида болаларнинг мантиқий фикрлашини, интеллектуал қобилиятини ривожлантириш вазифасига асосий эътибор қаратилмоқда, — дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси боя мутахассиси Гулчеҳра Арибжонова. — Мазкур муса-

салар ходимлари учун ўкув-семинарлар ташкил этилаётди. Шу йил бошида ЮНИСЕФ гранти асосида «Бола шахсига йўналтирилган таълим» мавзууда ўтказилган ўкув-семинарга олтиши нафар боғча тарбиячилари жалб қилинди. Шунингдек, мактабгача таълимтарбия муассасалари мантиқий ўйинлар жамламалари, электрон жиҳозлар билан таъминланяётди.

Бугун вилоядаги мактабгача ўшдаги болаларнинг 20 фоиздан зиёди боғчага боради. Мактабгача таълимтарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ жойларда замонавий боғчалар сонини кўпайтириш ишлари амалга оширилгач, бу кўрсаткич янада ошиши, эрта тонгдан боғчасига ошиқадиган болажонлар сафи янада кенгайши шубҳасиз.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мұхбири



КЕЛАЖАККА ЧОРЛАБ, ЯНГРА, ҚҮНФИРОҚ!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

АНДИЖОН

— Уринли рағбат ҳамиша муваффақият асоси бўлиб келган, — дейди фахрий муаллим Boltaboy Mirzajonov. — Таълимнинг навбатдаги босқичига қадам қўяётган фарзандларимизга озгина рағбат, кўмак ва далда зарурки, ёшларимиз келажагида бу жуда мухимдир.

Асака туманида бўлиб ўтган «Сўнгги қўнфироқ» тадбирларига самарали меҳнатдан сўнг фахрийликка чиқсан, шундай бўлса-да, бир дам ҳам қалбан мактабдан узоқлашмайдиган собық муаллимларнинг бир гурху ташриф буорди. «Устоз-шогирд» анъанаси асосида ёш муаллим ва мураббийларга ўз маҳоратио тажрибали асосида кўмак берадиган фахрий устозлар битирувчи ўкувчиларга оқ йўл тилашди.

— Ота-она, устоз дуосидан ҳам улуғроқ ният бўлмаса керак, — дейди Асака шахридағи 7-мактаб фахрий муалими Иминжон Сулаймонов. — «Сўнгги қўнфироқ» тилаклари, бегубор ниятлар, ўйлайманки, ёшларимиз ҳаёт йўлини мут-

тасил ёритиб туради.

Вилоятдаги мавжуд маҳсус мактаб-интернатларни эса буйил 304 нафар йигит-қиз тамомлаяпти.

— Ниятим — ўзим каби имконияти чекланган ўкувчиларга таълим бериш муаллимлик касбини эгаллаш, — дейди «Сўнгги қўнфироқ» тантанасида иштирок этаётган Асака туманидаги 16-кўзи ожиз болалар маҳсус мактаб-интернати битирувчиси Муҳиддин Сатторова. — Кўзи ожиз ўкувчилар ўртасида ўтказилган фан олимпиадасининг вилоят босқичида она тили ва адабиёт фанидан 2-ўринни эгалладим. Ушбу беллашувнинг республика босқичида ҳам галиблар сафидан жой олиш учун астойдиги интиляпман.

«Сўнгги қўнфироқ» — бокий анъаналар, кутлуг тилак ва ниятлар мұжассам тадбир. Вилоятнинг Андижон, Қорасув шаҳарлари, Избоскан, Андижон, Кўргонтепа ва Бўз туманларида ҳам ушбу тантана кўтаринки руҳда уч авлод учрашуви, қадрдан мактабга ташриф каби тадбирлар мұжассамлигига ўтди.

Орифжон СИДДИКОВ

СУРХОНДАРЁ

Тадбирда мактаб ўкувчиларининг бадиий чиқишилари намойиш этилди. 108 нафар ўқишида, одобда ва меҳнатда ўрнак кўрсатган ўкувчиларга фахрий ёрликлар топширилди.

— Бугунги ҳаяжонимнинг чеки йўқ. Тўққиз йил таълим берган устозлар, бирга ўқиган синфдошлар билан хайрлашиш жуда қийин, — дейди Маҳлиё Зоирова. — Аммо Ватан биздан кўп ғарсан кутяпти. Бу ишончни оқлаш учун бор куч, билим, иске таъдодимизни сарфлаймиз. Мен банк коллежида ўқишини давом эттиришга қарор қўлдим.

Шу куни вилоятнинг бошқа мактабларида ҳам «Сўнгги қўнфироқ» тадбирлари байрамона руҳда ўтказилди.

Норкуват ТЎРАЕВ

ФАРГОНА

Фаргона шахридаги 25-умумтаълим мактаби ҳовлисида ўтказилган «Сўнгги қўнфироқ» тадбири ҳаяжонларга бой бўлди. Давлатимиз мадҳиясини чуқур эҳтиром билан ижро этган ўкувчилар қалбини Ватан ишқи забт этганини рост. Тадбирда 151 нафар битируvчilarinинг бир гурху ўз қалб сўзларини кўзларида ёш билан изҳор этдилар. Парвозга шай турган оқ кабутарлардек сафланган битiruvchilarini мактаб раҳбарлари, устозлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари, собық ўкуvchilar чин дildan

табриклиди. Ўқишида, спортда ва санъатда ўрнак кўрсатган альочи ўкуvchilarга фахрий ёрликлар тантанали суръатда топширилди.

— Шу ҳаяжонли дамларда устозларимга чин дилдан раҳмат айтаман. Ўқишини шаҳардаги 1-академик лицеяда давом эттириб, устозларим ишончини шараф билан оқлайман. Бахтимизга доим омон бўлинг, устозларим, ҳеч қачон унутмаймиз сени, жонажон мактабим! — дейди сўзга чиқсан битiruvchilaridan Шахло Абдужалолова.

Баходиржон ШОКИРОВ

НАВОЙ

Куни кечак кўхна Қизилкўм бағридан жой олган Навоий вилояти мактабларида ҳам ўкуv йили тугаганидан дарак беरувчи сўнгги қўнфироқ жаранглади. Тадбирни мазмунли ва мароқли ташкил этиш мақсадида маҳсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, масъул ва мутасадди шахслар белгиланди. Илм масканлари байрамона қиёфа касб этиб, вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, маҳаллий ҳокимликлар, турли жамоатчилик ташкилотлари, фаоллар ва ота-оналар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Дарвоқе, бугун вилоят мактабларининг биринчи синфларини 14331 нафар ўкуvчи тугатган бўлса, 9-синфни таъминлаган 19186 нафар йигит-қиз таълимнинг кейинги босқичига йўлланма олади.

«Сўнгги қўнфироқ»нинг аҳамиятини ошириш мақсадида ийл давомида намунали хуљи, аъло ўқиши билан кўпчиликка ибрат бўлган ўкуvchilar, фан олимпиадалари, турли қўрик-тандловларнинг галибларига вилоят халқ таълими бошқармаси, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг фахрий ёрликлари, мактаблар мъмурятиларининг эсдалик совғалари топширилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, кам таъминланган ва боқувчисини ўйқотган оиласларнинг фарзандлariiga aloҳida fahmoxurliklari kўrsatildi.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

БУХОРО

Бухоро туманидаги 53-ихтинослашган давлат умумтаълим мактаб-интернатида бу йилги шодиёналар ҳар йилгидан да тантанавор руҳда ўтди.

— Ўкуv йили жамоамиз учун ниҳоятда қувончли кечди, — дейди тадбирда сўзга чиқсан билим даргоҳи раҳбари Муҳиддин Солиев. — Ўкуvchilarimizdan Marjona Rakhova, Abbos Qosimov ҳам турли қўрик-тандловларда галибларни эришиб, вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба ўюшмасининг стипендиялари билан тақдирланди. Албатта, болаларимизнинг муваффақиятларга эришувиде ўқитувчilarimizdan 5-синфин якунлади. Унинг тилида ўртоқларига ўз фикрларини ифодалаб, кичик матнларни таржима қилади. Устозларидан миннатдорман.

Қиличева «Конституция — баҳтишимиз қомуси» иншолар танловининг республика босқичида иштирок этишга муваффақ бўлди. — Аввало, биз давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдормиз, — дейди тадбирга ташриф буорган ёш оналардан бири Санобархон Сехова. — Ўкуvchilar ҳолибликка эришиб, вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба ўюшмасининг стипендиялари билан тақдирланди. Албатта, болаларимизнинг муваффақиятларга эришувиде ўқитувчilarimizdan 5-синфин якунлади. Унинг тилида ўртоқларига ўз фикрларини ифодалаб, кичик матнларни таржима қилади. Устозларидан миннатдорман.

Сора ТОШЕВА

ЖИЗЗАХ

— Биз ҳам қишлоғимизда шаҳардагидан таълим олишни орзу қиласа эдик, — дейди 9-синф ўкуvchisi Nазира Қаршибоева. — Таълим масканимизда замон талаби даражасида билим олишимиз учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Физика, кимё, биология хоналарининг лаборатория жиҳозлари билан таъминланши назарий билимларимизни амалиётда янада мустаҳкамлашга замин яратди. Мен ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда фан олимпиадасининг вилоят босқичида физика фанидан муваффaқияt қозондим.

Дарҳақиқат, Мактаб таълимими ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 2009 йили 31-мактабнинг эски биноси ўрнида янги таълим масканi қад ростлади. 315 ўринга мўлжалланган икки қаватли ўкуv биносида ўкуvchilar учун барча қулийликлар яратилган. Ўкуv-лаборатория хоналари, кутуб-

хона, қишик спорт зали ёшлар ихтиёрида. Бундай шарт-шароит таълим-тарбияда самарадорликни ошироқмода. Буни мактаб ўкуvchilarinинг фан олимпиадалари, турли қўрик-тандловларда эришаетган ютукларида ҳам кўриш мумкин.

Тадбир муносабати билан мактаб ҳовлисида ўкуvchilar томонидан кўргазма ташкил этилди. Тўгарак машгулотларида тайёрланган амалий санъат намуналари, расмлар намоиш этилди. Фан олимпиадалари, қўрик-тандловлар ва спорт мусобақаларида юксак натижага эришган ўкуvchilarга диплом ва фахрий ёрликлар берилди.

Шу куни Жиззах вилоятидаги 554ta таълим масканida таҳсил олаётган 24500 нафар битiruvchi ўкуvchilar тантаналарда иштирок этди. Бу тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида зўр ўюшқоқлик ва намунали тарзда ўтказилди.

Абдусаттор СОДИКОВ

САМАРҚАНД

Самарқанд шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби эрта тонгдан қўлида гулдаста тутган ўкуvchilar, битiruvchilar, уларнинг ота-оналари, махалла фаоллари, кекса педагоглар билан гавжум бўлди.

— Бу йил мактабимизни 168 нафар йигит-қиз битiruvchilar, — дейди мактаб директори A.Хошимова. — Битiruvchilar таълимнинг кейинги босқичи ҳисобланмиш касб-хунар колледжларида ва академик лицеяларда ўқиши давом эттирадилар.

— Шу куни өтган ўкуv йилида Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида 1209ta умумтаълим мактабини 81239 нафар йигит-қиз битiradi, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси

Битiruvchi синф ўкуvchilar mактаб байробини эстафета сифатида 8-sinf ўкуvchilariga топшириши. Шундан сўнг мактабнинг энг альочи, намунали хуљли ўкуvchilar ва битiruvchilariga мактаб маъмуряти томонидан фахрий ёрликлар топширилди. Устозлар багри қувонч ва гулларга туткан.

— Якунига етган ўкуv йилида Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида 1209ta умумтаълим мактабини 81239 нафар йигит-қиз битiradi, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасi

2-академик лицеяда ўқиши давом эттиришни, — дейди «Президент асарлари билимдони» қўрик-тандловининг республика босқичи галиби Наргиза Хўжаниёзова. — Бизнинг замон талаблари даражасида ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишимиз учун эса хукуматимиз томонидан барча шаҳрот ва имкониятлар яратилган.

Битiruvchilarнинг самимий ва илик сўzlari кўнгилларни энтиktiradi...

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА



Шайхонтохур туманидаги 20-мактабдаги «Сўнгги қўнфироқ» тантанасида мактаб раҳбари Ш.Қосимова битiruvchilariga оқ йўл тилар экан, келгусида академик лицея ва касб-хунар колледжларида мактаб шаънини ҳимоя килиб, олган билимларини намоён этишлariни таъкидлаб ўтди.

Тантанада иштирок этган маҳалла фаоллари ва ота-оналар фарзандлariiga билим бериб, ҳаётга тайёрлаган ўқитувчи-мураббийларга миннатдорчилик билдирилди.

Тадбир ўкуvchi-ёшлар ижросидаги шеър, куй-қўшиқ ва раксга уланиб кетди.

Суратларда тадбирдан лавҳа акс этган. Бурхон РИЗО олган суратлар.

Бола дунёқарашини шакллантириш кўпинча мактабгача таълим муассасалари гарданига тушади. Оиладан бошланган таълим ва тарбия бу даргоҳда узвий давом эттирилиб, аниқ мақсадларга йўналтирилади. Барча таълим муассасаларида ўқув йили поёнига етадиган бўлса, мактабгача таълим муассасаларида етти ёшли болаларни мактабга кузатиш жараённи бошланмоқда. Бу даврда тарбиячи зиммасидаги масъулият икки баробар кўпаяди. Ахир, бутун юрагини бахш этиб таълим берган боласи бу йил мактабга боради-да. Биз пойтактимизнинг Юнусобод туманидаги 544-“Лола” мактабгача таълим муассасасида ушбу жараён қандай кечает-гани билан қизикдик.

МАКТАБГА ШОШИЛАЁТГАН БОЛАЛАР

**Боланинг
саводхонлиги
қандай
аниқланади?**

**Зебо Омарова, МТМ
мудираси:**

— Муассасамизда нутқида нуқсони бор болалар тарбияланишиади. Бу одатдаги боғчаларга нисбатан масъулият икки баробар кўп дегани. Бунинг устига ҳар бир бола жисмоний ва ақлий жиҳатдан турлича — кимдир фаол бўлса, кимдир ўзлаштиришда муаммоларга дуч келади. Мактабга чиқишиндан олдин тайёрлов гуруҳида тарбияланаётган болалар ўртасида тест ўтказилади ва логопед тавсиясига кўра, уларга йўлланма берилади. Бола мактабга боргандага ўртоқлари орасида ўз ўрнини топа олиши ва энг асоси, мактаб ўқув дастурини ўзлаштиришга мослаша олиши керак.

— **Болалар нутқидаги нуқсон тўлиқ бартараф этилмаса, бу муаммолага қандай ечим топилади?**

— Агар бола етти ёшга ётмаган бўлса, яна бир ишл шуғулланиш имконияти бор. Етти ёшдан ошган болалар эса мактаб логопедига тавсиянома билан юборилади. МТМдаги жараён бевосита мактабда давом эттирилади.

Йил давомида ҳар бир боланинг саводхонлик мониторинги тузилиб, белгилаб борилади. Чорак якунида унинг жисмоний ривожланиши, нутқи, фикрлаш қобилияти, маннавий-ахлоқий етуклиги, ўзига хос қирралари бўйича қўнишка ва мала-канинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда рейтинг баҳолари жамланади ва унинг ўзлаштириш физи чиқарилади. Шунга кўра, келаси чоракда қай даражада ишлаш лозимлиги ҳақида тахминий дас-

тур тузамиз. Шунингдек, уларнинг билими ёшига мос тестлар ёрдамида мустаҳкамланади. Ушбу коррекцион жараёнлар педагог-тарбиячи, логопед, психолог, невропсихолог ва шифокор кўмагида олиб борилади. Кўрсаткичларни ота-оналарга ҳисобот тарзида етказамиз. Улар ҳам фарзандидаги ўзгаришлардан боҳбар бўлиб боради.

Биз нутқ товушларини талаффуз қилишда қўйналаётган болалар билан ишлаганимиз учун тўғри талаффуз қоидаларини ўргатамиз. “Нутқ ўстириш” дарсларида эса унга алоҳида эътибор қаратамиз. Саводга ўргатиш, математика, мусиқа, расм, атроф-муҳит билан танишириш, жисмоний тарбия каби машғулотларда боланинг ақлий ва жисмоний қобилиятилари шакллантирилади.

«Келажакда бошлиқ бўламан»

Болалар дунёсини кузатиш мароқли. Айниқса, машғулот пайтида уларнинг дафтарларини варақлар экансиз, болаларча бажарилган содда математик амаллар, ҳарфлар, расмлар ва рангли қофздан ясалган ўйинчоларни кўриб, завқингиз келади. Бир дафтардаги ҳуснинат эътиборимни тортиди. Ҳали мактабга бормайдиган боланинг ёзуви эканлигига бироз шубҳаланганим боис, у билан гаплашиб кўришга ҳаракат қилдим. Чунки ҳарфларни бир-бирига қоида асосида қўшиб ёза олган боланинг фикрланиш қандайлиги ҳаммага қизик. Ўзини Сайдолим деб таниширган кичик сұхбатдошим исмини ёза бошлади.

— Чиройли ёзар экансан, менга ҳам бирор нарса ёзиб берасанми?

Болакай қўлига ручка

олиб дафтаримга ёза бошлади. Унинг хати чиндан-да чиройли ва саводли эди.

— Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? — болани яна сұхбатга чорлайман.

— Бошлиқ. Унинг жавоблари кутилмаган эди, ҳайратим ортди.

— Бошлиқ бўлиш учун нима қилиш керак?

— Яхши ўқиш, ўзини тута билиш, тинглай олиш... Тезроқ сентябрь келсади, ўқишига борардим.

текшириб, шикоят туғилса, тегишли маслаҳатлар беради. Учинчи тиббий кўрикdan сўнг улар умумий холосасини ҳар бир бола учун очилган дафтарга қайд қиласидар. Бу дафтар тарбияланувчининг мактабга бориши учун берилган йўлланмадир.

Хайр боғча, салом мактаб!

“МТМдан йўлланма олган баъзи болалар мак-

Qutlug' ostona

нида, ўзлаштириб кета олишига шубҳа қилгандим. Мана, ўзбек тилида саводи чиқиб, фаол болалар сафида мактабга боришига тайёр.

— **Болалар мактабга борганидан сўнг уларнинг тақдирни билан кизиқасизларми?**

— Бу — бизнинг зиммаздаги муҳим вазифа. Тарбияланувчиларимиз



Сайдолимнинг ҳайрат тўла кўзларидаги ўқишига бўлган ҳавасни кўриб, кўнглингиз кўтарилади.

МТМда тиббий назорат

Одатда, болаларнинг саломатлиги доимий назорат остига олинади. Боғчадан мактабга йўлланма олаётган тарбияланувчи учун бу муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг келажаги билан чамбарчас боғлиқ. Боланинг саломатлиги мактаб дастурини яхши ўзлаштиришига ёрдам беради ва таълим самарадорлигига муаммо туғилмайди. 544-МТМда тарбияланувчилар мактабга чиқишидан олдин маҳсус тиббий назоратдан ўтадилар. Бу ҳақда МТМ шифокори Лола Иноғомова шундай деди:

— Боғчамиз 50-оилавий поликлиника билан алоқани кенг йўлга қўйган бўлиб, тарбияланувчилар ийл давомида уч марта шифокор кўригидан ўтказилади. Логопед, психолог, невропсихолог, окулист, стоматолог, лор, уролог, гинеколог каби мутахассислар болаларни

табга тез кўнишиб кета олмайдилар. Кўп ҳолларда уларга одатдаги назорат давом эттирилса, мақсадга мувоғиқ бўлади”. Бу қоидани ўзига шиор қилиб олган моҳир педагог-тарбиячи Эътиборхон Каҳхорова бир неча йиллардан бери мактабга тайёрлов гурухи билан иш олиб боради.

— Бу гуруҳда ишлаш жуда қизиқ. Мактабга чиқиш учун тайёргарлик кўраётган болаларнинг фикри тиниқлашади, диққатини бир ерга жамлай олади. Гуруҳдаги болалар бошланғич синф ўқувчиларидан қолишмайди. Машғулотга илк марта кирган кишида мактаб ўқувчилари бўлса керак, деган тасаввур ўйғонади.

Яқинда навбатдаги битирувчиларимиз мактабга боришиади. Уларнинг орасида Сайдолимга ўхшаган фаол тарбияланувчилар кўп. Мафтуна Холхўжаева чиройли расмлар чизади, содда арифметик амалларни тез ва қийналмасдан бажаради. Руслан Мамедовнинг миллати рус, онаси дастлаб бизнинг боғчага олиб келга-

Юнусобод туманидаги 12, 63, 272, 50-умум таълим мактабларида ўқишини бошлайдилар. Уларнинг бошланғич синфлардаги ўқиши-ўрганиш даври МТМ тарбиячиси, синф раҳбарлари ҳамда ота-оналари билан ҳамкорликда доимий кузатиб борилади. Ҳар чорак якунда болаларнинг қандай ўзлаштираётганини аниклаш учун синф раҳбарининг ҳисоботини олиб, ўзасида хуласа чиқарамиз. Айрим болалар нутқидаги нуқсонлар мактабда ҳам давом этади, шундай ҳолларда мактаб ва боғча логопеди ҳамкорликда иш олиб бора-ди.

Фикримиз сўнгида...

Бугун ҳар бир МТМда тарбияланувчиларни мактабга кузатиш жараёнига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Зотан, болажонлар таълим-тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлмаслиги буғуни ҳаракатга бевосита боғлиқдир.

**Башорат ОТАЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири**



Шовот туманиндағы 1-ихтисослаштирилган давлат умумтағым мактаб-интернати вилоят халқ таълими бошқармаси буйруғига биноан, кимё фани бўйича таянч мактаби, дея эътироф этилди.

Ушбу масканда ёшларнинг замон талаблари асосида таълим-тарбия олиш-

ТАЯНЧ МАКТАБ ТАЖРИБАЛАРИ

ларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Ўқувчининг билими фанлар олимпиадаси жараёнда янада яққол намоён бўлади, — дейди ўқув даргоҳи раҳбари Дилшод Солаев. — Кимё фанидан 2007 йилда Азизбек Худойберганов фанлар синовининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўринни, Но-дира Раҳмонова эса халқаро кимёгарлар танловида иккичи ўринни эгаллашди. Бундай қувончли натижаларимиз жуда кўп.

Дарҳақиқат, «Сиз қонунни биласизми?», «ЭҲМ дастурларини тайёрлаш», «Ўила, изла, топ» телевизоринида финалга чиқиш ҳамда «Умид ниҳоллари» мусобақаларида мактаб ўқувчиларининг қўлга киритган ютуқлари таълим даргоҳи педагогик жамоасини янада ҳаракатга ундиши.

Ўз касбининг ҳақиқий жонкуярлари ишлайдиган масканда эътирофга лойик тажрибаларнинг бўй кўрсатиши аниқ. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигига ташкил этилган амалий семинарнинг ана шу таянч мактабда ўтказилиши ҳам тажрибаларнинг кенг ёйилишига арзигулук эканидан далолатдир.

— «Ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларга 2010–2011 ўқув йилида ўқувчилар қабул қилиш самардорлигини амалга ошириш омиллари» ва «Кимё фани бўйича таянч мактабида дарс ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш» мавзусидаги семинарда ўқув муассасасидаги янгиликлар ва тажрибалар таъкидлаб ўтилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси боз мутахассиси Ширинжон Фозилова. — Тадбир иштирокчиларини бу ердаги шароит, устоз-мураббийларнинг ютуқлари бефарқ қолдирмади. Айниқса, кимё фани ўқитувчиси Мунаввара Асқарова ўтказган очик дарс кўпчиликда қизиқиш ўйғотди. Ўқувчилар ла-

боратория таҳлилларини мустақил баҳариб, кимё фани асосларини чукур ўрганаётганини намойиш этишиди.

2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида бундан икки йил олдин 164 млн. сўмлик ҳажмда мукаммал таъмирланган ўқув даргоҳида, ўқувчи-

лар бугун энг замонавий ўқув жиҳозларидан фойдаланган ҳолда таълим олишмоқда.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун мўлжалланган ётоқхона, спорт мажмуаси, 18та фан кабинети ва лабораторияси, кутубхона, маънавият хонаси, тиббий хона мукаммал таъмирлашдан кейин ўзгача чирой очган.

Физика-математика, математика-хорижий тиллар, тарих, ҳукуқ, хорижий тиллар, кимё-биология йўналишларида ҳам ўғил-қизлар пухта билим олмоқда.

Фанлар бўйича 15та тўғарак ишлаб турибди. Шунингдек, ҳар йили ёз фаслида болаларни соғломлаштириш мақсадида оромгоҳ ташкил этилиб, ўқувчиларнинг таътилни мароқли ўтказишила-ри учун барча қулийликлар муҳайё қилинади.

— Ўқув масканимиз қошида иссиқхона ҳам бор, — эътироф этади Дилшод Солаев. — Ёрдамчи хўжалигимизда қорамол боқилади. Мактаб боғида ўрик, олма, голос, беҳи, узум этиширилади. Ёрдамчи хўжалиқдан тушган маблагнинг асосий қисми ўқитувчи, ходимлар ва ўқувчиларимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун сарфланади.

Ўқув муассасасининг Мунаввара Асқарова, Зокир Рўзматов, Диором Ҳасанова, Зулфия Қурбонбоева каби ўқитувчилари тажрибаси вилоятда оммалаштирилган. Айниқса, француз тили ўқитувчиси Тўхтажон Матқурбонованинг таълим мазмунини оширишдаги тажрибалари эътиборга моликдир.

Даргоҳдаги муваффақиятлар ўз-ўзидан бўлмаётганини аён. Зеро, қаерда ўқувчиларнинг билим олишлари учун кулагашароит яратилган бўлса, уларнинг ютуқлари ҳам кундан-кунга кўпайиб бораверади.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Хоразм вилояти.

Мактабимизда етакчи кластер синфи ташкил этилган. Ҳозирда информатика хонасидаги 10та замонавий компьютер ўқувчилар иҳтиёрида. Бундан ташқари, ушбу хонада ўқувчиларимиз учун 13та фаннинг электрон дарслик шакли

ўқувчилари гурухларга бўлинади ва ҳар бир ўқувчига тартиб рақами берилади. Шундан сўнг ҳар бир гурух ўз топшириқларини (масалан, янги мавзуни мустақил равиша компютерга дастур шаклида киритиш) олади. Топши-

аъзоларига ўзи ҳал қилаётган (ёки ҳал қилиб бўлган) топшириқни тушунтиради. Ўйин худди мана шундай чархпалак тарзида давом эттирилади.

Ўқувчиларимиз факат дастур тузиш билангина эмас, балки тузил-

ган дастурлар устида ҳам ишлаш кўнкимасига эга.

«Информатик диктант» ўйин усули эса ўқувчи билимини баҳолашнинг жорий назорат шаклларидан бири ҳисобланади. Бунда содда машқлар билан бир қаторда маълум бир мавзулар мажмусига оид атама ва тушунчаларни ўқувчининг қай даражада ўзлаштиргани аниқланади. Улар берилган топшириқни компютерда бажаради, яъни ўқитувчи томонидан оғзаки равиша айтилган машқни компютерда ишлаб бўлиб, Microsoft Power Pointда мавзуга оид ёдидаги қолган атама ва тушунчаларни изохи билан биргаликда тақдимот

ши мумкин ва бу ўқувчилар учун кулийлик туғдиди.

Ҳар бир ўйин 1 соатлик дарсга (45 дақиқа) мўлжалланган. Дарснинг асосий қисми компютерда ишлаш билан ўтади.

Информатика фанини шундай усуллар билан ўқиб-ўрганиш ёш авлодга компютер технологиялари сирларини мукаммал ўргатиш ва уларни ахборотлашган жамиятга мос равиша тарбиялашга ҳизмат қиласди.

Робия БАХРОНОВА,
Навоий вилояти Навбаҳор тумани
9-умумтаълим мактаби
информатика
фани ўқитувчиси

ЯНГИЛАНИШ


бугунги шиддаткор замон талаби

Бугуннинг талаби — бир жойда тўхтаб қолмаслик, янгиликларни ўрганиш, саралаш ва кераклисими амалиётта татбиқ қилиш, энг асосийси, мустаҳкам шахсий фикрга эга бўлиш. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машақатли касб ёзгарила суннамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ўшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар бекиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиласмиз».

«45 йиллик тажрибанг бўлса ҳам, 45 дақиқалик дарсга тайёргарлик сиз кирма». Иш фаолиятим давомида мана шу шиорга амал қилиб келмоқдаман. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, ахборот глобал тармоқ орқали узатила бошлангач, у ҳеч қандай назоратга бўйсунмай қолди. Ўқувчиларнинг баъзан бизга но маълум бўлган маълумотлар ҳақида савол берил қолиши эҳтимоли жуда юқори. Мактаб ўқувчисининг бирор саволига қониқарли жавоб берга олмаган ўқитувчи бундай ҳолатда ноқуладай ахволга тушиб қолиши тайин. Қолаверса, ўсиб келаётган ўш авлодни турли ахборот хуружлари ва ёт ғоялардан саклаш учун аввало уларга билим бераётган одамнинг ўзи бу ҳақда етарили билан ҳамда қатъий эътиқодга эга бўлиши керак, деб ўйлайман. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсан, ўз устида тинимиз ишлаб, билим даражасини доимий равиша тенгайтириб борувчи ўқитувчининг «оти» бошқаларнига қараганда «олдинроқ чопади».

Шахсий тажрибаларимдан келиб чиқсан ҳолда шунга амин 45 дақиқалик дарс давомида ўқитувчи болаларга бор маҳорат ва билимларининг эмас, меҳрини ҳам сингдира олса, дарснинг самарадорлиги, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқиши ҳам ортиб боради. Айнан мана шу мақсадда юртимиз мактабларида ноанъанавий усуслар ва педагогиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётпти. Бунда фақатгина слайдлар ва компютерлардан фойдаланиб дарс ўтишни эмас, болалар билан интерактив усууда, тенг мuloқот асосида турли ўйинлар ўтказиш, мuloқатли саволлар орқали дарсни бойитиш, ўқувчиларни фикрлашга ва машғулотлар давомида фаол иштирок этишга чақиришни тушунаман. Бунинг учун ўқитувчидан ўз касбига муҳаббат ва бирозигина ижодкорлик талааб қилинади, холос.

Рахмиддин ШОВҚИЕВ,
Кўшработ туманиндағи 22-умумий
ўрта таълим мактабининг
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



Umummilliy dastur — amalda

кўринишида бажаради. Ўқитувчи информатик диктант ўтказиладиган мавзулар рўйхатини тузуб, уни ўқувчиларга олдиндан эълон қилиб келиб чиқсан ҳолда шунга кулийлик туғдиди.

Ҳар бир ўйин 1 соатлик дарсга (45 дақиқа) мўлжалланган. Дарснинг асосий қисми компютерда ишлаш билан ўтади.

Информатика фанини шундай усуллар билан ўқиб-ўрганиш ёш авлодга компютер технологиялари сирларини мукаммал ўргатиш ва уларни ахборотлашган жамиятга мос равиша тарбиялашга ҳизмат қиласди.

Робия БАХРОНОВА,
Навоий вилояти Навбаҳор тумани
9-умумтаълим мактаби
информатика
фани ўқитувчиси

иҳтиёрида. Бундай тажрибанинг ҳамкори таълим-тарбияларида ишлайдиган ўқувчиларни таъмирлашадиган мавзуларни тузуб, уни ўқувчиларга олдиндан эълон қилиб келиб чиқсан ҳолда шунга кулийлик туғдиди.

Ҳар бир ўйин 1 соатлик дарсга (45 дақиқа) мўлжалланган. Дарснинг асосий қисми компютерда ишлаш билан ўтади.

Информатика фанини шундай усуллар билан ўқиб-ўрганиш ёш авлодга компютер технологиялари сирларини мукаммал ўргатиш ва уларни ахборотлашган жамиятга мос равиша тарбиялашга ҳизмат қиласди.

Робия БАХРОНОВА,
Навоий вилояти Навбаҳор тумани
9-умумтаълим мактаби
информатика
фани ўқитувчиси

иҳтиёрида. Бундай тажрибанинг ҳамкори таълим-тарбияларида ишлайдиган ўқувчиларни таъмирлашадиган мавзуларни тузуб, уни ўқувчиларга олдиндан эълон қилиб келиб чиқсан ҳолда шунга кулийлик туғдиди.

Ҳар бир ўйин 1 соатлик дарсга (45 дақиқа) мўлжалланган. Дарснинг асосий қисми компютерда ишлаш билан ўтади.

Информатика фанини шундай усуллар билан ўқиб-ўрганиш ёш авлодга компютер технологиялари сирларини мукаммал ўргатиш ва уларни ахборотлашган жамиятга мос равиша тарбиялашга ҳизмат қиласди.

Робия БАХРОНОВА,
Навоий вилояти Навбаҳор тумани
9-умумтаълим мактаби
информатика
фани ўқитувчиси

иҳтиёрида. Бундай тажрибанинг ҳамкори таълим-тарбияларида ишлайдиган ўқувчиларни таъмирлашадиган мавзуларни тузуб, уни ўқувчиларга олдиндан эълон қилиб келиб чиқсан ҳолда шунга кулийлик туғдиди.

Ҳар бир ўйин 1 соатлик дарсга (45 дақиқа) мўлжалланган. Дарснинг асосий қисми компютерда ишлаш билан ўтади.

Информатика фанини шундай усуллар билан ўқиб-ўрганиш ёш авлодга компютер технологиялари сирларини мукаммал ўргатиш ва уларни ахборотлашган жамиятга мос равиша тарбиялашга ҳизмат қиласди.

Робия БАХРОНОВА,
Навоий вилояти Навбаҳор тумани
9-умумтаълим мактаби
информатика
фани ўқитувчиси

иҳтиёрида. Бундай тажрибанинг ҳамкори таълим-тарбияларида ишлайдиган ўқувчиларни таъмирлашадиган мавзуларни тузуб, уни ўқувчиларга олдиндан эълон қилиб келиб чиқсан ҳолда шунга кулийлик туғдиди.

Ҳар бир ўйин 1 соатлик дарсга (45 дақиқа) мўлжалланган. Дарснинг асосий қисми компютерда ишлаш билан ўтади.

Информатика фанини шундай усуллар билан ўқиб-ўрганиш ёш авлодга компютер технологиялари сирларини мукаммал ўргатиш ва уларни а



Ўз касбини севган педагог мудом изланишда, ҳар-
катда бўлади. Шу тариқа янги ва юксак марраларни
забт этади. Мехнатларининг самараси – ўкувчилари-
нинг эришган ютуқларидан кувонади, ўзини баҳтли
хис қиласи.

Азиз Бобокулов ҳам ана шундай педагоглардан. Үолий үкув юртини битирганидан сүнг Нарпай тумандаги 38-умумтаълим мактабида амалиётчи психолог ва зифасида ишлаб келмокда.

«Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», деган нақлга амал қилган ёш ўқитувчи мактабга илк ишга келган кунидан бошлиб тажрибали ва малакали ўқитувчилардан, устозларидан билмаганини ўрганишга ҳаракат қилди. Ўқиди, изланди, қўшимча адабиётлардан оқилона фойдаланди. Иҳсон, айниқса, бола психологиясини пухта ўрганди. Ҳар бир ўқувчи бир дунё эканини, уларнинг ўз тафаккури, тушунчаси, характери мавжудлигини англаған педа-

МУНОСИБ ТАКДИР

*унинг шлк замини ўқувчини оқилона касбга
йўналтириш билан яратилади*

гөг улар билан мана шунга таянган ҳолда ишлади.

У олти ёшли болаларни тиббий ва педагогик-психологик кўрикдан ўтказиш, 1-синф ўқувчиларининг мактабга мослашувини, 1—4-синф ўқувчиларининг ақлий ривожланишини аниқлаш, барча синф ўқувчилари билан хотирани ривожлантирувчи, мустаҳкамловчи машғулотлар олиб бориш, 9-синф битиравчиларининг касб-хунарга қизиқишиларини аниқлаш ва уларнинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда касб-хунарга йўналтириш каби вазифаларни бажариб борди. Албатта, бу борада устозларининг маслаҳатларига қулоқ тутди. Янгиликлардан фойдаланиб, ўзининг услубларини яратди ва машғулотларда қўллай бошлади.

— Ҳар томонлама етуқ, баркамол авлодни вояга етказишида меҳнат таълимининг оли ва ўрни бекиёс, — дейди у. — Инсоннинг кундалик турмуш тарзи меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Меҳнат бутун моддий ва маънавий бойликларнинг, ижтимоий тараққиётнинг негизидир. Меҳнат тарбияси шахси ҳар томонлама ривожлантириш омилидир. Фарзандларимиз кичик ёшдан бошлаб майший меҳнат, ақлий меҳнат, жисмоний ва ижтимоий меҳнатда иштирок этади. Меҳнат таълимида ютуқларга эришиш учун ёшларни меҳнатга ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам амалий жиҳатдан тайёрлаш лозим. Шунинг учун уларни ёши ва имкониятларига мос меҳнат турларини бажаришга жалб қылмоқ лозим.

Ёшлар мәхнати тарбияси, аввало, оиласа, кейин ўкув юртларида амалга ошириләди. Ушбу жараёнда айниңса, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар

“ёҳат” мавзуларида тренинг машғулотлари ўтказиб, ўқув-чиларнинг касбларга қизиқишиларини оширишга, уларнинг онгли равишда касб танлашларига ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигига рўйхатдан
ўтказилган умумий ўрта таъ-
лим мактабларининг 9-синф
битирудчиларини академик
лицей ва касб-ҳунар коллеж-
ларида ўқишига қамраб олиш
тартиби тўғрисидаги Низом-
нинг мазмун-моҳиятини ўқув-

коллежларининг ўрни ва
ҳамияти бекиёс.

Касб танлаш жиддий үзүүлэлийн ишдир. Бунда мактаблардаги фан түгээрэлтийн мөрөн тутади. Азиз

Бобокулов фаолият олиб борадиган илм масқанида фан түгаракларига катта эътибор ҳаратилаётир. Уларда болалар дунёқараашларини кенгайтиради, билимларини оширади,

чилар ва уларнинг ота-она-
ларига тушунтириб, шу Ни-
зом асосида илм масканидаги
барча битирувчиларни
хужжатлар йифма жилдлари
шаклантирилди.

ҮКҮВ ІДАЛЫ НАТЫЖАЛДАРЫ

976 нафар ўқувчи таҳсил олаётган Навбаҳор педагогика коллежида ўқувчиларнинг танлаган касби бўйича маҳоратини, муомала маданиятини ошириш мақсадида турли учрашувлар, кечалар, мушоира ҳамда кўрик-танловлар ўтказилиши анъана тусини олган. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиш учун 28та тўгарак фолият кўрсатиб турибди. Айни кунда мазкур тўгаракларга 627 нафар ёш жалб этилган. Бозланғич таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти, компьютер технологиялари, мактабгача тарбия, мактабдан ва синфдан ташқари ишлар йўналишларидаги *Ko'chilash* ташкида қатнашиш ҳукуқини қўлга киритди. Таълим масканида бундай ёшлар кўп. Жумладан, Гулпари Ҳамро қизи «Келажак овози» кўрик-танловининг «Амалий санъат» йўналиши бўйича республика босқичида иштирок этишга мушарраф бўлди. Илмира Тоирова Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди. Гулчехра Абдиева армрестлинг бўйича Ўзбекистон очик биринчилигида фахрли 2-ўринни эгаллади. Дибором Облоқурова, Гулнисо Абдуллаева, Мастура Муродова, Аҳрор Каримов каби ўқувчилар

Kollejlar hayotidan

ўқувчилар вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашмоқда.

Ги билан тенгдошларига үрнак бўляпти.

Коллеж иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш маркази ва


— Коллежимизда ҳафтада бир марта маънавият соатлари, гурӯҳ йиғилишлари ўтказиб борамиз, — дейди биз билан сұхбатда коллеж директори Мұхаббат Ражабова. — «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ўз дастуримизни ҳам ишлаб чиқиб, бир қатор тадбирларни амалга оширмоклады.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигидаги саяхәракатлар натижасида илм даргоҳида ўтказилаётган «Энг фаол етакчи», «Энг ёш иқтидорли истеъмолчи», «Интеллектуал ринг» сингари танлов ва мусобақалар ёшлар тафаккурини янада оширишга замин бўлмоқда.

Таълим муассасасида айни соҳада олиб борилаётган изчил изланишлар натижасида истедодли ўқувчилардан Нилуфар Сайидаҳмадова «Маърифатли юрт фарзандларимиз» мавзуида бошланғич таълим йўналиши бўйича ўтказилган вилоят танловида 1-ўринни өғалдаб республика боскини

Маърифат МИНГБОЕВА

Навоий вилояти.



Инглиз тили фани бўйича “Замонавий дарс менинг тасаввуримда”, “Тил билган эл билади” мавзуларидағи ви-лоят миқёсида оммалаштирилган дарс ишилдамалари муаллифи — Кумкўргон туманидағи 2-мактаб ўқитувчиси Гулсара Жумаева ҳар бир машғулотни алоҳида тайёргарлик ва ўзига хос усулда олиб боради. Машғулот давомида ўқувчилар фаоллигини ошириш учун “Гуруҳлараро билимдонлар танлови”, “Хорижий давлатлар ҳақида маълумот” каби усулларни қўллаб давра сұхбати ва сўзлашув машқларини ташкил этади. Ўқитувчи томонидан ташкил этилган “Ёш тилишунослар” тўгараги ёзги таътил давомида ҳам ўз фаолиятини давом эттиради. Унда қатнашаётган ўқувчилар турли тадбирлар ва ўйинлар ёрдамида инглиз тилини чуқурроқ ўрганадилар.

Ўқитувчининг 2008 йилда “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг республика босқичидаги иштироқи ва 2009 йилда грант асосида Германияда тажриба алмашиб қайтганлиги тинимсиз изланиш ва меҳнатларининг самарасидир.

Суратда: ўқитувчи Г.Жумаева навбатдаги машғулотда.

Хаким ЖҮРАЕВ “Ma’rifat” мухбири



Республикамизда болалар ҳуқуқини кафолатлаш, уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишлари учун барча зарур шароитларни яратиш, таълим олиш ва муҳофазаланиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Бу сиёсат жорий «Баркамол авлод йили»да янги маъмун-моҳият касб этмокда.

Ватанимизда фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, яйраб камолга етиши учун барча шароитлар мавжуд. Мехрибонлик уйлари, маҳсус мактаб-интернатларида бокувчисини йўқотган, жисмонан нуқсони бўлган болаларнинг тарбияланиши ҳамда таълим олишлари ҳам алоҳида доимий эътиборда.

Ўзбекистонда ёшларнинг ўқишига, иш билан таъминланishiغا, ижтимоий ҳимояга бўлган ва бошқа ҳуқуқлари қонун билан мустахкамланган.

Йил сайнин давлат бюджетидан болалар ҳуқуқлари ҳимоясига йўналтирилган маблағлар микдори кескин кўпайиб бормоқда. Болалар манфаатларини акс эттирувчи миллий қонунчилик доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Уларга берилаётган моддий ва маънавий ёрдам, фамхўрлик ҳамда доимий эътибор янада кенгайб бормоқда.

Ўзбекистон — болажон юрт, элизим эса болажон халқ. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасида энг биринчи навбатда Инсон ҳуқуқлари умумжоҳон декларациясидан сўнг айнан Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция ратификация қилингани фикримизнинг далилидир.

Мамлакатимиз парлamenti 1992 йил декабрда БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциясига кўшилди. Ушбу декларация нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа кўплаб қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, республика ҳукуматининг инсон ҳуқуқларини кафолатловчи қатор карорлари ҳамда дастурларида ўз аксини топди.

Юртимизда болаларга фамхўрлик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси билан нафакат давлат тузилмалари, балки кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам

педагогик ходимларни қўллаб-куватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ бўлган болалар учун таълим-тарбия муасасаларини замонавий таълблар асосида ташкил этиш бўйича қатор ишлар амалга

циаси бўйича «Энг яхши Мехрибонлик уйи» ва «Мехрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси» республика кўрик-танлови ўтказди.

Маҳсус мактаблар (ёрдамчи ва эшитишда нуқсони,

